



* Нега йигитларни турмушга тайёрлашмайди?
 * Ўн тўрт ёшида ногирон бўлган полвон
 * Шоҳ Машрабга ошиқ бўлган қиз
 * Сиз ҳам эгизакларнинг ота-онаси бўла оласиз



Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 март Чоршанба.
№ 18 (14300)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Олий Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунини амалда қўллашнинг долзарб муаммолари" мавзусида давра суҳбати бўлди. Уни мамлакатнинг парламент Омбудсмани ҳамда бошқа демократик ташкилотлар уюштирди.

Давра суҳбатида Олий Мажлис қўмиталари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар, вазирлик ва идоралар, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, нодавлат ташкилотлар ва диний мазҳабларнинг, мамлакатда фаолият кўрсатаётган бир қанча давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги нутқида жамиятнинг маънавият соҳасидаги асосий вазифаларидан бири миллий кадрларни тиклаш, халқнинг ўзини миллат сифатида таниш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, кишиларнинг динни ўзининг энг муқаддас бойлиги сифатида танишига эришишимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди, - деди мажлисни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бугров.

Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари фаолиятининг асосий йўналишлари жамият ҳаётидаги барча соҳаларни эркинлаштиришни таъминлаш, иқтисодий янгиланишларни фаоллаштириш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва ижтимоий муҳофазасини ошириш, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролар ўртасидаги аҳилликни сақлаш ва мустақамлашга доир қонунчилик ҳужжатларини тайёрлашга қаратилди. Қонунчилик ва қонунларнинг ба-

жарилиши устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган семинар, конференция, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб турилишига алоҳида эътибор берилди.

Ҳозир Ўзбекистонда турли диний мазҳабга мансуб кишилар эркин тарзда ўз динига амал қилиш имкониятига эга. Республикадаги диний ташкилотлар мустақил субъект ҳисобланиб, ўз мулки, ерига эга бўлиши, диний адабиётларни нашр этиши, ўзларига керакли мутахассисларни тайёрлаши ҳамда муқаддас жойларга зиёрат уюштириши мумкин.

Кишиларнинг диний эътиқоди давлат тасарруфида эмас. Аммо айрим киши ва гуруҳларнинг баъзи бир ҳаракатлари қонуний тарзда чеклаб қўйилиши мумкин. Давлат томонидан амалга ошириладиган бу чеклашларнинг барчаси жамият ва давлатнинг энг зарур манфаатларига мос келиши керак, - деб таъкидлади Б.Бугров.

Давра суҳбати иштирокчилари ўз нутқларида таъкидлаганидек, дин эркинлигига доир замонавий муаммолар ҳозирги кунда алоҳида эътиборни талаб қилмоқда. Ҳар бир давлат бу масалаларни ўзи ҳал қилади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин биз давлатлар ва диний ташкилотлар ўртасида дунёвий тараққиёт муносабатлари йўлини танлаб олганмиз. Бу йўл дини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда ҳар бир фуқарога ўзи ихтиёр этган динга риоя қилиш имконини беради.

Нутқлардан сўнг мунозаралар бошланди. Мунозараларда давлат органларининг фуқароларнинг диний эркинлик ҳуқуқини таъминлаш борасидаги фаолияти хусусида фикр алмашилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мансуров иштирок этди.

Д.САИТОВА,
ЎЗА мухбири



Яна қишлар ортда қолиб, келди гўл баҳор!

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ - ЖАДИДЛАР МЕРОСИ

Тошкент Давлат университетига Миллий университет мақоми берилиши дунё илм ахли доираларида катта қизиқиш уйғотди. "Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири Германиянинг машҳур Гумбольд университетининг профессори, Берлиндаги замонавий шарқ илмий-тадқиқот марказининг раҳбари Ингборг Бальдауф хоним билан шу ҳақда суҳбатлашди. Профессор ушбу илм даргоҳининг барча муаллим-профессорлар жамоаси ва шахсан ўз номидан ўзбек ҳамкасбларини қизгин қўллаб, икки давлат университетлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига умид билдириб, шундай деди:

— "Интернет" орқали дунёга машҳур бўлган Тошкент давлат университети — Ўзбекистон Миллий университети деган ном олгани тўғрисидаги хабарни ўқиб хурсанд бўлдим. Университетнинг бугунги номланишида катта маъно бор. Бунда, айниқса, Ўзбекистоннинг миллий тикланиш йўлида олиб бораётган олийжаноб ҳаракатларининг меваси яққол акс этади.

20-йилларда миллий деган сўз — маҳаллий, яъни ерли халқ маъносига ишлатилар эди. Ўз даврида Мунавварқори Абдурашидхон бошчилигидаги жадидлар Ўрта Осиёда маънавий ва ижтимоий ривожланишни назарга олган ҳолда мазкур университетни ташкил этишган эди.


Бугунги кунда, ўйлаётганимиз, миллий деган сўз, кенгрок маънода Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларга, яъни Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тааллуқлидир. Шу билан бирга, бу даргоҳда илм олиш иштиёқида юрган чет эллик ёшлар учун ҳам университет эшиклари доимо очикдир.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқ халқлари учун жадидчилик ҳаракатининг аҳамияти жуда катта бўлган. Уларнинг прогрессив фикрлари, амалга оширган ишлари Шарқ халқларини асрий қоқоқликдан олиб чиқишга қаратилган эди. Жадидлар, айниқса, маърифат масалаларига урғу беришган. Ёшларнинг тарбиясига, уларни маърифатли этишга алоҳида эътибор беришган.

Уларнинг хатти-ҳаракатлари ўша даврдаёқ ўз самарасини бера бошлаган. Жадидчилик тарихида кескин бурилиш ясагани кўзга яққол ташланади. Европа ва Шарқ халқларининг ривожла-

нишини кузатар эканман, жадидлар фикрларининг ҳақлигига, уларнинг прогрессив аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил этиб бораман.

Шунинг учун бугунги кунда сизнинг Ватанингизда жадидлар номининг тикланиши мени ниҳоятда қувонтирди. Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, Германия билан Ўзбекистоннинг алоқалари асримизнинг 10-20-йилларидаёқ бошланган бўлиб, бу алоқаларнинг пойдеворини ҳам жадидлар яратган. Ўша даврда Бухоро, Тошкент,



Фарғонадан келган талабалар Германия олийгоҳларида илм олишган. Аммо, бу муносабатлар давр шароитига кўра бир томонлама кечган.

Бугунги кунда эса Ўзбекистоннинг дунёда тутган мустақам ўрнини назарга олган ҳолда, мамлакатингиз университетларида мавжуд бўлган илм олиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда Германия ёшларини, сизларда ўқишга сифарбар этишни лозим деб ўйлайман, ўз навбатида, ҳамкорликка тайёрлигимизни яна бир бор билдирмоқчиман.

Бу билан биз жадидлик ҳаракатига ўз эътиромимизни билдирган, улар меросидан тўғри фойдаланиб, улар ишини давом эттирган бўламиз.

Шухрат ЁҚУБОВ,
"Жаҳон" АА мухбири
Берлин шаҳри

Тарих фанига эътиборнинг ортиши натижасида республикамизнинг барча ҳудудларида яшаётган аҳолининг ўз аждодлари ўтмишини ўрганишга қизиқиши тобора кучаймоқда. Бугунги кунда Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Қорақалпоғистон каби вилоятлар тарихини чуқур ўрганиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Лекин ҳали мактаб ва олий ўқув юртлирида ёки илмий жамоалардаги маҳаллий тарихшунослик кўнгилдаги-

Хоразм тарихини ўрганишга олимлар томонидан жуда кўп меҳнат сарфланган. Дарвоқе бу фан тармоғининг номини "Хоразмшунослик" деб атайдилар.

"Хоразмшунослик" оташпарастлик динининг асосчиси — Зурдўшдан бошланган десак муболаға эмас. У эрамиздан аввал Хоразмда туғилган ва 512 йили Эронда ибодат чоғида гайридинлар томонидан ўлдирилган. Эндиликда воҳадан топилган бебаҳо

ЗАРДЎШТНИ ТАРБИЯЛАГАН ХОРАЗМ

дек, деб бўладими? Йўқ албатта.

Маълумки, Хоразм воҳаси Ўзбекистоннинг энг қадимги тараққиёт тарихига эга ҳудудлардан бири ҳисобланади. Агар Республиканинг Марказий қисмида дастлабки давлат бирлашмалари милоддан олдинги IV асрга келиб шаклланган бўлса, Хоразмда дастлабки давлат уюшмаси ундан 400 йиллар аввал, яъни VII асрларда ташкил топган. Хоразмшоҳлар, Сиёвушийлар, Афригийлар, Маъмунийлар, Ануштегинлар даврида, яъни, Хива хонлигининг ҳукмронлиги вақтида Хоразм Ўрта Осиёда жуда катта мавқега эга бўлган ҳудуд ҳисобланганлиги маълумдир.

Давлатчиликдан ташқари Хоразм Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда фан ва маданиятни ривожлантиришга бекиёс ҳисса қўшган инсонлар таваллуд топган воҳа ҳисобланади. Зардўшт, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Мунис, Огаҳий ва бошқалар илм-фан маданиятининг буюк устунлари саналади. Улар ҳаёти ва мероси жуда катта тадқиқотларнинг асосини ташкил қилиши ва тарихнинг ўчмас саҳифалари билан боғлиқлигидан фахрланамиз.

археологик ёдномалар, аниқланган топономик жой номлари "Авесто"нинг ватани Хоразм эканлигидан шубҳа қолдирмайди. Бугун воҳада "Авесто" номи билан боғлиқ 50 га яқин топономик номлар ва ашёвий далиллар рўйхатга олинди.

Хазорасп яқинидаги Хумбузтепа, Шовот туманидаги Хуштимитон (Ваянган-Моноқ) қалъасини қазийш чоғида топилган сопол нақшлар Онакут (Анахита) ҳайкалчаси шундан далолат беради. Бундан ташқари юнон, хитой, араб, фаранги олимлари Херодот, Страбон, Гекатий асарлари Эрондаги тахти Жамшид тоғида (Шероз-Перспол шаҳри яқинида) ўйма ёзувлар ўтмиш тарихимизнинг бир тармоғи "Хоразмшунослик"нинг яратилишига асосий манба бўлди. Урганч давлат Университети олимларининг меҳнатлари эвазига 1995-1996 йилларда 2-жилдлик "Хоразм тарихи" монографияси яратилди ва улар босмадан чиқди. Воҳа тарихини чуқур ўрганиш учун манбалар, қўлланмалар сони ортди.

К. НУРЖОНОВ,
Халқаро "Олтин мерос"
жамғармаси Хоразм вилоят
бўлимининг раиси



Умид билан экилган таёқ, бир кун берар мева-ю, япроқ.

Тўрақўрғонлик меҳнат фаҳрийси Пўлат ҚОСИМОВ невараси билан

Болалар қўшиқлари танлови

Республика таълим марказида "Ўзбекистон - Ватаним маним" анъанавий қўшиқ байрами доирасида болалар қўшиқлари танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги ташкил этган мазкур тадбирда Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Аваз Мансуров, Надим Норхўжаев, Фарҳод Алимов каби таниқли бастакорларнинг она-Ватан ва истиқлол тўғрисидаги асарлари тингланди. Уларни Республика ўқувчилар саройининг "Бойчечак", "Ўзтелерадиокомпания"нинг "Булбулча", Глиэр номидаги махсус мусиқа мактаб-интернати, пойтахтдаги мусиқа билим юртлири ва лицейларнинг ҳаваскорлик жамоалари ижро этди.

Танловда энг яхши деб топилган қўшиқлар болалар қўшиқлари бешинчи тўплами учун танлаб олинди.

"Билим ринги"даги жанговар дуранг

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзтеле-радиокомпанияси томонидан мамлакатимиздаги махсус ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Билим ринги" республика телевизион танловининг навбатдаги босқичи Урганч шаҳрида - Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрида ўтказилди.

Бу сафар "Билим ринги"да чиқиш ҳуқуқини телетанловнинг Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ўтказилган босқичи ғолиблари - Ж.Мангуберди номидаги Хоразм ҳарбий лицейининг "Жалолиддин авлодлари" гуруҳи ва Фарғо-

на ҳуқуқий лицейининг "Ал Қонун" гуруҳи қўлга киритди.

Мусобақа дуранг натижа билан яқунланди. Иккала гуруҳ ҳам касбий фанларни аъло даражада эгаллаганингина эмас, балки топқирлик, юмор ҳисси каби фазилатларни ҳам намойиш қилди. Энди танлов ташкилотчилари якуний босқичда икки гуруҳдан қайси бири Тошкент ҳарбий лицейига рақиб бўлишини ҳал этиши лозим бўлади.

ЎЗА мухбирлари
хабарлари

Чимилдик

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 1 март № 9 (66)

СЕВИШГА "ҲАҚҚИ" ЎҲҚ ҚИЗЛАР...

Ҳурматли "Чимилдик"! Мен сенга ўзим гувоҳ бўлган муҳаббат ҳақида, яъни энг яқин дугонанинг дардларини ёзпман. Биламан, сен жуда кўп хаста дилларга дармон бўлгансан, зарур пайтда ўз муносабатингни билдиргансан. Ўйлайманки, менинг хатим ҳам сени бефарқ қолдирмайди.

Дугонам синфдоши К. билан севишади. Уларнинг севгисига шубҳа йўқ. Чунки ҳозир ҳам бир-бирларининг дийдорига тўёлмай қийналиб юришибди. Мен унинг энг яқин дугонаси сифатида бу муҳаббатга чек қўйишни, К. билан муносабатини узишни

ўтиндим. Чунки дугонам тўралар авлодидан. Туманимизда тўраларнинг қизлари фақат тўраларга узатилади. Шунинг учун ҳам мен дугонанинг у йигитдан узоқлашишини хоҳлаган эдим. Аммо, дугонам уни севади. Наҳотки, тўраларнинг қизлари севишга, севилишга, ўзга бир йигитга кўнгил қўйишга ҳаққи йўқ бўлса. Ҳозирги ёшларимиз орасида учрайдиган сებაблар; яъни қизнинг камбағаллиги, йигитнинг ўқимаганлиги каби тўсиқларнинг ечимини топса бўлади-ку, наҳотки мен баён қилган эскилик сарқитининг муҳаббатга кишанлигидан қутилиш қийин бўлса?!

**МУҚАДДАС,
Сирдарё вилояти,
Гулистон тумани**



Бўёндан хотиржам бўл, ҳаммасига ўзим жавоб бераман.

Киз бола шаънига бир марта тушган доғ унинг бошини бир умр эгиб кўяркан. Мен 11-синфни битирганимдан сўнг, институтга ҳужжат топширдим. Минг афсуски, имтиҳонлардан ўтолмадим. Онам бекор юрма деб, кўшимиз Жавлон аканинг нонвойхонасига ишга киритиб қўйди. Онамнинг бир оғиз илтимосини ерда қолдирмаган бу инсоннинг асл нијатини кеч англадим. Кеч қайтсам ҳам онам хавотир олмасди, чунки уйга нон тўла сумка билан қайтардим.

Бир куни ортиқ ҳисларга берилиб, Жавлон ака билан нонвойхонада қолиб кетдим. "Ишқ достонимиз" фарзанд туғилиши билан ошкор бўлди. Болам туғилгач, онам мени оқ қилишди. Туғруқхонадан чиқиб, борадиган уйим йўқ

эди. Охири Жавлон акамнинг уйига боришга мажбур бўлдим. Лекин у бир уйда к к к



хотин билан яшашга кўнмади. Менга шаҳардан ижарага уй олиб берди. Олдинига тез-тез келадиган одам, кейинчалик ойда бир-икки хабар оладиган бўлди. Одамлардан яширинча яшаш жонимга тегиб кетди. Сингилжонларим, ҳаётда ор-номусдан устун турадиган ҳеч нарса йўқ. Уни йўқотишдан эҳтиёт бўлинг!

ЖАМОЛА

**ХАВАСИНИ
КЎРБОННИ
БЎЛДИМ**

Кўндан келмасди. Оғлар иш бўлди, доғ оравергани билан иш битмади. Бир кўнга бориб, азволбил вақтинчалик қолаётганини сездим. Ўша куни ўриндан аяга лоҳас тушди. Бошим айланиб, кўнгим...

Файрат акам билан севишиб турмуш қурдик. Биринчи фарзандимиз киз туғилганида қувончимиз чексиз эди. Иккинчимиз ҳам киз туғилди. Файрат акамнинг менга муносабати ўзгарди. Хали

чиққан аёлни роса калтаклади. Оҳ-у зоримга қарамай, учта қизимни олдимга солиб, уйдан ҳайдаб юборди. Киз болани фарзанд ўрнида кўрмаган бу "йигит"га

КИЗ ФАРЗАНДА ЭМАСМИ?

кучга тўлмай яна ҳомиладор бўлдим. — Агар учинчиси ўғил бўлмаса, отангникига кетавер, -дея дўқ пўписи қилди у. Афсус, учинчиси ҳам киз бўлди. Файрат акам туғ-

Орадан уч ҳафта ўтмасдан, мендан батамом ажрашмасдан бир қизга уйланди.

Орадан йиллар ўтди. Ҳозир қизларим анча катта бўлиб, жонимга оро кирди. Аммо бир

нарса юрагимни эзди; болаларим оталик меҳридан бебаҳра, бахти кемтик бўлиб қолишди. Бирор нарсдан камчилигим йўқ.

Феруза ЮСУПОВА



руқхонага хабар олгани, ҳатто жавоб берганида олиб кетгани келмади. Хўрлигим келиб, қайнонам билан уйга хомуш қайтдим. Кечкурун ичиб келиб, мени, туғруқхонадан янги

"ҲАЙ-ҲАЙ ҚИЗЛАР..."

"Ҳай-ҳай, ўлан..."
Ҳаётимни бир сандиққа жойладилар,
Шум янгалар йўлларимни пойладилар.
Етмагандек чимилдиқлар осиб-осиб,
Дилгинамни бир дилсизга бойладилар.

"Ҳай-ҳай, ўлан..." ўланлари тилиб кетди,
Қалбимдаги "алёр"ларни юлиб кетди.
Кувалашиб, тўйга келган болаларга,
Кўшилишиб, дугоналар кулиб кетди.

Ҳолгинамни бир мен билдим, ҳилол билди,
Кўз ёшга фарқ бошимдаги рўмол билди.
Кўксимдаги тумор ҳақи айтаманки,
Сочларимни ўпиб-ўпиб шамол билди.

"Ҳай-ҳай, ўлан..."
Кетяпман. Қаддимни ёй эгиб-эгиб,
Ҳар таъзимда дард туйиб, куйиб-куйиб.
Аё, жоним, ўзга ёрни "беғимжон", деб,
Ўтар бўлдим елкасига бошим қуйиб.

"Ҳай-ҳай, ўлан..."
Ҳаётимни бир сандиққа жойладилар,
Шум янгалар йўлларимни пойладилар.
Етмагандек чимилдиқлар осиб-осиб,
Дилгинамни бир дилсизга бойладилар.

**Лайло ҲАЙИТОВА,
Бухоро вилояти**

Ҳозирги кунда ўпишиб кўришиш ёшлар ўртасида оммалашмоқда. Одатда бир-бирини узоқ вақт кўрмаган икки дўст ёки қариндошнинг кучоқ очиб кўришишини завқланиб кузатасиз. Лекин кун бўйи бирга

ЎНЧИМИ ШАРТМИ?

бўлиб, эртасига учрашганда бир-бирининг лабидан ўпишиб кўришаётган қизларни кўрсангиз ахлқоз гашингиз келади. Ўпишиб кўришиш шартмикин? Яна бир эмас, икки эмас, нақ 7-8 марталаб ўпишиб, кейин бир-бирининг юзидани "памада" доғларини артиб қўйишади.

Талаба қизларгина эмас, ҳатто йигитлар ҳам бир-бирининг лабидан бўса олишади. Менимча,

бу уларнинг бир-бирини соғинишидан эмас, балки кўришишнинг "замонавий"си бўлса керак. Ачинарлиси, мактаб ёшидаги қизчалар ҳам "опа"-ла

ЎНЧИМИ ШАРТМИ?

ридан ўрناق олмоқда. Айрим ёшлардан шарм, ҳаё, шарқона одоб-ахлоқ юз ўғирмаяптими ёки мен тенг-

дошларимдан орқада қолганманми?..
**Ёрмамат ЭГАМБЕРДИЕВ,
ЎзМУ талабаси**



Меҳрбанага бўлиб. - Мен сени Долиқка ишониб жўнатувдим. Сен оғилга ўрошмаганини қилиб, тана... Мен ўнча кўз сийтаб, ишқарига кириб кетдим. Орқадаги Антолин "Ҳозир бир юса қанлик ишқарва ишқарворасан, ана...

Муҳаббатни ҳар ким ҳар хил тушунар. Аммо мен унинг шаҳло кўзларига термулишу, ҳар кун кўриб туриш деб билардим.

Ҳаёлимни ўғирлаб, ўзига мафтун қилган қиз — синфдошим Райҳона эди. Уни кўришим билан этларим увишиб, баъзан баданим муздек бўлиб кетарди. Беҳтиёр ўзимни йўқотиб кўярдим. Гапир-сира гапир олмас-босарди. У бўлса шу кезларда менга бирор нарса айтмоқчи бўлгандай маънос қарардида, жилмайиб кулиб кўярди...

Унга бўлган муҳаббатим шунчалик кучли эдики, уни кўрмасам туролмасдим. Бирор кун мактабга келмасам, ўзимни кўярга жой топа олмасдим, тўғриси ҳаёлимда соат тўхтаб қолгандай. Баъзан буларнинг бариси шунчаки ҳавас, ўткинчи деб ўйлардим... Йўқ, бу чин севи, соф муҳаббат эканлигини англадим.

Шундай бўлса-да унга севишимни ҳеч айтолмасдим, негадир журъат этолмасдим.

Кунларнинг бирида иккаламиз ёлғиз учрашиб қолдик. Шунда мен унга, ўз севгимни изҳор этдим. Хуллас, ўртамизда "севги риштаси" пайдо бўлди. Шундай қилиб мактабни ҳам битирдик. Иккаламиз икки томонга ўртамизга ҳижрон олмаслигимни билганим учун унинг олдига кетаман деган кунларим... Шум тақдирнинг қисмати билан Райҳона оламдан ўтди. Ийглаб, йиғлолмайман. Ҳамма кўзимга бахтлидай кўринади. Мени эса тақдир жазолаб қўйди. Юрагим ҳар урганида Райҳона кириб келмасмикан дейман. Ўзим учун эмас, балки у учун яшашим керакдир. Билмадим...

Саид РАҲМОНОВ

Қўн вақити қилаверна, Қўришда. Қўзим энди балонимга ётиб қолди, бўёнга тез-тез ўзгариб туради... Ана шундай кейин ўзига фойдига бориб, мени фой...



Хосият БОБОМУРОДОВА: МЕН СУЙИБ ТУЛ УЗСАМ...

НИКА РАМА?

Сенинг менга кўп жафоларинг,
Менинг сенга бор қийноқларим.
Ҳажр элига хўб вафоларинг,
Ёлгон қулгум, пинҳон оҳларим!

Ишқ нима?

Сенинг девона бўлганларинг,
Менинг девона бўлганларим!
Мен сенинг ягонанг бўлганим,
Сен менинг парвонам бўлганинг!

Ишқ нима?

У — уч сўз: рашк, висол, ҳижрон
Ва ўртада титраб турган жон.
Висол қисқа, эҳ, ҳижрон узун.
Мангу умр эса рашк учун.

Ишқ нима?

Бир-биридан қонмай меҳрга,
Бўйи юлдуз қадар етган ўч,
Икки бошни ёнма-ён қўйиб,
Бир фурсатда кесувчи қилич!!!
Бир фурсатда кесувчи қилич!!!

Мени унутмагин, мени унутма,
Изн бер боғингдан сув бўлиб ўтай.
Қовжираган гулинг, дарахтларинг-
га

Сенга керак эмас жонимни тутай.

Изн эт, манглайингни босар чоқда
тер,
Майин сабо бўлиб секин елпи-
тай.
Жонбахш лабларингдан та-
ралса садо,
Узоқ-узоқларга қувнаб об-
кетай.

Рухсат эт, курашдан чарча-
са рухинг
Алла айтай сенинг
чарчоқларингга.
Фамларингдан ғолиб
яшагин,
Олис хотирангга бор
чоқларимда.

Унутмагин мени, унут-
ма, жоним,
Ҳеч-са, хаёлларда сеники бўлай.
Сариқ кўйлагини кийдирганда куз,
Сенинг остонангга япроқдай сўлай.

Мен ёлғиз бошимни олиб кетяпман,
Бориб уни қаттиқ тошларга ургум.
Зайнаб қўлидаги зах-

ри қотилга,
Кумуш кўзидаги ёшларга ургум.

Мен бошимни олиб сендан кетяп-
ман,
Етар, шунча йиллар пойингда ётди.
Эгилганим сари кетдинг олис-
лаб,
Бугун алам, ўйлар мени уйғот-
ди.

Мен бугун бошимни олиб кетяп-
ман,
Бошларин пойимга қўйган мард-
ларнинг
Кўксига қўйгали, яйрагалимас,
Тоши бўлмоқ учун дарё дар-
дларинг!

Мен бугун бошимни олиб
кетяпман,
Ва бошқа қайтмайман
ҳолингга сўраб.

Пойингда ёлғунча узоқда юрсин,
Сендан олисларда бўлсин у хароб.

Ёлғиз бошимни-ку олиб кетяпман,
Кўнглим нега сен-ла қолиб кетяпти?..

Неки битган бўлсам, сенинг ҳақин-
гда,
Ҳаммасини ўтда куйдирдим бугун.
Тунлари энтиқиб битилган мактуб,
Шеърлар ҳам, сирлар ҳам ёқилди
буткул!

Аммо мен бир ҳовуч кулнинг орти-
дан
Боққан кўзларингни ёқа олмаяп-
ман.
Оловнинг тиллари жим қилолма-
ган,
Тирик хаёлларга боқа олмаяпман.

Билсам юрагимнинг сен етиб бор-
ган
Жойи шунча узоқ, шунчалар чуқур

Етолмайди унга менинг нафратим,
Камлик қилар ҳатто оловдаги кўр!

Мен-ку ёзувларни ёқиб юбордим,
Аммо хотирамни қандайин ёқай?
Улар юрагимнинг тубида туриб
Ҳаётимга шафқатсиз боқар.



Буюклар муҳаббатини

вонага тутти. Девона жомни
шаънига бу ғазални ўқудилар:

**Ул жомни муҳаббатни тутган
манга жонондур,
Доғ устига доғ қўйгон бул
сарви хиромондур.**

Қиз бу сўзни эшитиб, завқ
қилди. Вазирага айтди:
— Эй вазира, девонани
Кўкшар яйлоғима олиб борғил, уч
юз тева йилқимни боқсун!

Алқисса, Шоҳ Машраб уч юз
тевадан бир тева тутуб миндилар.
Уч йил ёмғир суви ва гиёҳлар ил-
дизини еб тева боқтилар. Шоҳ
Машрабни ғаразлари бу қизни
ишқи эрмас эрди, балки муддао
бу эрдик, мундоғ нозанин дўзах
ўтида куймагай, деб афсусу на-
домат бирла айдиларки: "Шояд
бу мусулмон бўлуб, доҳили жан-
нати анбарсиришт

бориб ошиқингни келтур,
кўройин! - деди.

Қиз ўзига оро бериб, ранг-ба-
ранг либослар кийиб, муносиб
канизаклари бирла равона
бўлди. Шоҳ Машраб кўрдиларки,
маъшуқалари келаду... Шоҳ
Машраб қизни шаънига бу ғазал-
ни ўқидилар:

**Бир боқшингга жумлаи жа-
нона тасаддуқ,
Шаҳло кўзингга оқилу дево-
на тасаддуқ...**

деб Шоҳ Машраб қарасалар,
маъшуқлари қизил либослар
кийибдур, анга бу ғазални ўқиди-
лар:

**То кийди қизил ўзини зебо
қилайин деб,
Ўт ёқди жаҳон мулкина**

каъбага ўт қўй,
Бутхонада сокин бўл-
майли бироқ одамларга
озор берма!

Каъбага бориб нима
қиласан, бировнинг дилини
топ,

Мингта каъбани зиёрат
қилгандан битта дилни
овлаган яхшироқ!

деб тевадин ўзини ташлаб,
қизни аёғини ўпти.
Қиз айтди:

— Эй ўтаган, кўрдингму,
мани дийнимга кирди!
(Шоҳ Машраб) бошини
кўтариб айти:

— Эй тарсозода, ҳар нима
десаңг, қабул қилурман! - деб
бу ғазални ўқудилар:

**Офати жоним — ул санам,
қоши қаросини кўрунғ
Икки юзига чўлғонур зул-
фи сиёсини кўрунғ...**

Қиз один тушуб таклиф
қилди. Шоҳ Машраб тевага
миниб, йўлга равона бўлуб,
боргунча бу ғазални ўқудилар:

**Эй санам, ишқинг ўтида
ман на қилай, қалмоқ эдим,
Мисли парвона бошинг-
дин юз газ айланмоқ эдим.**

**Бу муҳаббат даштида
ман неча юрдум ой-у йил,
У қуруғ нозинг била ил-
кингни қайтармоқ эдим...**

**Машрабо, умри Хўтаңда
бу қаро қонлар ютуб,
Юнусим батни самак
ўлғонда ман қармоқ эдим!**

Алқисса, Шоҳ Машраб
кўрдиларки, Кунтожи ўзини
тахтдин ташлаб, икки қалмоқ
икки қўлтуғудин кўтариб турур.
Кунтожи қичқириб дедик:

— Эй хазиначи, хазинадан
олтин олиб кел!

Хазиначи бир табақ олтун
олиб келди. Кунтожи айти:

— Эй девона, худоинг ба-
рҳақ ва дийнинг рост экан.
Тамом умрумни Худодин бе-
хабарлик била ўтқорибдур-
ман, бу олтунни олиб, мани
ҳақимга дуо қил, шояд, мусул-
мон бўлғайман!

Шоҳ Машраб шул юрганла-
рича ўзларини Элада кўрди-
лар. Аммо Эланинг ҳоқими
Кунтожи эрди, ани бир қизи
бор эрди Офок отлиғ. Ул қиз-
нинг юз канизаги бор эрди.
Бир кун канизаклари бирла
сайри сахро қилиб эрди. Ногоҳ
Шоҳ Машраб рўбару келди.
Кўрдик, қизларнинг ичида бир
қиз келаду. Ани офтоб таль-
атидин олам мунаввар бўлуб-
ду. Шоҳ Машраб деди:

— Эй бор
худоё, мун-

монда Шайх Санъон деган авлиё
ўтган экан. Тўрт юз муриди бор
экан. Бир тарсонинг қизига ошиқ
бўлуб, ўз динидин ёниб, бутпа-
раст бўлубдур. Эмди бу замон-
да сан манга ошиқ бўлсанг, ман
қалмоқ бачадурман, дийнимга
кирсанг, манга восил бўлурсан!
- деди.

Машраб бу ғазални ўқидилар:
**Ломаконни шаҳрида ошиқ-
ни шайдо қилди ишқ,
Анбиёву авлиёларни хувай-
до қилди ишқ...**

деб, бу байтни ўқуб, қизга
қараб дедилар:

— Эй тарсобача, сани сўзлат-
гану, мани бу

ШОҲ МАШРАБ БОШИҚЛИГИ

доғ паризодни ўз
қудратинг бирла
қилибсан! - деб
Машраб қизнинг
қошига келиб,
дедиларки: — Эй қиз,
саннинг муҳаббатинг мани
кўнглумга жой оллубдур! - деб
қизнинг йўлини тўсдилар.

Қиз айтди:
— Эй қаландар, менга рост
ошиқ бўлсанг, бошимдаги
ўтоғамга муносиб бир байт
ўқигил! - деди.

Шоҳ Машраб бу байтни
ўқудилар:

**Ер ўтоғасин кўруб, телба
кўнгул талпинаду,
Жон кўлини долбойдур
бошидаги қарқараси!** - деб,
Шоҳ Машраб қизни ўзини
шаънига ҳам бу ғазални ўқиди-
лар:

**Дилбар юзини кўргали
девона келибдур,
Юз нозу қарашма била
жанона келибдур...**

Қиз айтди:
— Эй қаландар, бурунги за-

ерларга келтирган Худованди та-
олонинг ўзидур, чора надур!

— Эй қаландар, бу кеча ман
сани меҳмон қиламан!
Машраб айтди:

— Эй малика, мен таом
емасман, манга бир
коса сув бергил! -
деди.

Қиз юғуриб
туриб, бир
жом сув
келтуруб
де-

бўлса" деб, ўн йил риё-
зат тортиб, тева боқдилар.

Андин сўнг хабар Кунтожиге
еттики: "Худопарастдин бир
қаландар келиб, сизнинг қизин-
гизга ошиқ бўлуб, уч
йилдирки, тева боқа-
дур."

Кунтожи қизи-
га айтди:

— Эй
қизим,



УЯТ БУЛМАДИ

лашади. Ўсмир, маст, меъдаси бузилган, тиришув касали бор ва та-

(бачадон)уруғни қаттиқ тортолмайди. Ёки у иссиқ қуруқлик ёхуд совуқлик туфайли (бачадондаги) озиқ йўллари то-

“Турмуш қурганимизга беш йил бўлди. Аммо тирноққа зормиз. Оллоҳдан кеча-ю кундуз фарзанд тилаймиз. Кўп докторларга учрадик. Фойдаси бўлмапти.”

**Т. Навоий
вилоятдан**

Фарзандсизлик ва бўйида бўлишнинг қийинлиги сабаблари нимада? Бу саволга “Тиб конунлари”дан жавоб изладик.

БОЛЛАДИ БУЛТИМ КЕЛАДИ

Бачадонда бўладиган сабабга келсак, бу уруғни бузадиган мизож бузилишидан иборат бўлиши мумкин. Бунинг кўпчилиги (уруғни) қотирадиган совуқдан бўлади, масалан, бу ҳол хотинларда (уруғни) совитувчи совуқ сув ичишдан келиб чиқади. Бундай ҳол эркекларда ҳам бўлади. Баъзан (совуқ) ҳайз конининг қисмлари-

Бачадонда бўладиган сабабга келсак, бу уруғни бузадиган мизож бузилишидан иборат бўлиши мумкин. Бунинг кўпчилиги (уруғни) қотирадиган совуқдан бўлади, масалан, бу ҳол хотинларда (уруғни) совитувчи совуқ сув ичишдан келиб чиқади. Бундай ҳол эркекларда ҳам бўлади. Баъзан (совуқ) ҳайз конининг қисмлари-

яна бири модда, яъни ҳайз қонини тўхталиб қолишидир, бу бачадоннинг моддани тортишдан ва етказишдан ожиз бўлганида юз беради. Ёки бачадон оғиб, ё айланиб қолади, ёки бўйида бўлишдан олдин тикилма, қаттиқлик, сўгалсимон ёки бошқача эт, яраларда эт униши, буриштирувчи совуқ ва тикилма пайдо қилувчи бошқа сабаблар, шунингдек қуруқлик туфайли бачадон оғзи қаттиқ юмилиб, натижада уруғ ўтмайди. Баъзан туққандан кейин бачадон бўш юмилиб, уни тутиб тура олмайди ёки уни тойдирувчи ёғ кўп бўлади. Бу (ёғ кўплиги) баъзан бутун тананинг иштироки билан ва баъзан, асосан, бачадонда, шунингдек чарвида ҳам бўлади, ёки танҳо бачадоннинг ўзида бўлади. Ёғ чарвида кўпайганда уруғни сиқади ва уни қисиб чиқаради. Бунга яна бутун тана ёки бачадоннинг қаттиқ ориқлаши, бачадонда шиш, яра, бавосир ёки тўсиқ бўладиган ортиқча эт каби офатлар ҳам (сабаб) бўлади.

ни ўзгартиради ва баъзан ҳайз қони ўтадиган тешиқларни торайтириб қўяди ва натижада қориндаги болага (озиқ бўлади-



ган қон) етиб бормайди. Баъзан (мизож бузилиши) уруғни бузадиган модда ва бошқа рутубатлар билан бирга бўлади. У эрлик уруғини қуритади ва ёки эритади, ёки хўллайди, ёки тутиб турувчи қувватни кучсизлантириб, уни тойдириб юборади, бу кўп учрайди; ёки (мизож бузилиши) уруғни тортадиган қувватни кучсизлантиради, бунинг таъсирида

БОЛЛАДИ БУЛТИМ КЕЛАДИ

яна бири модда, яъни ҳайз қонини тўхталиб қолишидир, бу бачадоннинг моддани тортишдан ва етказишдан ожиз бўлганида юз беради. Ёки бачадон оғиб, ё айланиб қолади, ёки бўйида бўлишдан олдин тикилма, қаттиқлик, сўгалсимон ёки бошқача эт, яраларда эт униши, буриштирувчи совуқ ва тикилма пайдо қилувчи бошқа сабаблар, шунингдек қуруқлик туфайли бачадон оғзи қаттиқ юмилиб, натижада уруғ ўтмайди. Баъзан туққандан кейин бачадон бўш юмилиб, уни тутиб тура олмайди ёки уни тойдирувчи ёғ кўп бўлади. Бу (ёғ кўплиги) баъзан бутун тананинг иштироки билан ва баъзан, асосан, бачадонда, шунингдек чарвида ҳам бўлади, ёки танҳо бачадоннинг ўзида бўлади. Ёғ чарвида кўпайганда уруғни сиқади ва уни қисиб чиқаради. Бунга яна бутун тана ёки бачадоннинг қаттиқ ориқлаши, бачадонда шиш, яра, бавосир ёки тўсиқ бўладиган ортиқча эт каби офатлар ҳам (сабаб) бўлади.

МЎМИЁ НИМАГА ДАВО?

Мўмиё табиатнинг ноёб инъомларидан ҳисобланиб, уни табиий антибиотик сифатида, юзга яқин хасталикларни даволашда ишлатиш мумкин. Ҳозирги замон табиблари мўмиёни бош оғриғи, юз нервлари параличи, тутқаноқ, бош айланиши, пешоб йўллари шамоллаши, гастрит, бавосил, ангина, турли шишлар, юрак хасталиклари, суяк синиши каби кўплаб касалликларни даволашда қўллашмоқда.

Ибн Сино мўмиёни ўсма, бош, нафас олиш, озиқлантириш, чиқариш аъзолари, заҳарланиш ва қайтаришда ишлатган. Масалан, унинг фикрича, меъда кучсизлигида зира, жувона ва қора зира суви билан бир қиротини ичилади. Шунингдек, балғамдан бўладиган ўқчишда кўкрак, меъда ва жигар устига йиқилишда бир қирот тоғ мўмини икки донак арман лойи ва бир донак заъфаронга қўшиб итузум ва зиёршанбар сувида ичирилади. Ҳикқичоққа қарши бир хаббасини петрушка уруғининг кайнатмаси билан ичилади.

“Мўмиё билан жинсий ожизликни даволаш мумкин, дейишади. Шу ростми? Н.Азизов, Оҳангарон”

Мўмиё билан аёллар ва эркеклар бепуштлигини, жинсий ожизликни даволаш мумкин. Бунинг учун унинг 0,2-0,5 граммини сабзи шарбати, облепиха, черника билан бир кунда икки маҳалдан ичиш тавсия этилади. Даволаш муддати 25-28 кун. Ҳар беш кунда бир кун дам олинади. 6-7 кун дори ичгандан сўнг бемор ўзини яхши ҳис эта бошлайди.

ЁШЛАРТА МАСЛАҲАТИМ

“Маслаҳатли тўй тарқамас”, деган нақл бор халқимизда. Ҳар бир иш режа, маслаҳат билан қилинса, ундан яхши натижа чиқиши аниқ. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари аҳолисида шундай яхши одат бор; турмуш қураётган ёшлар албатта ирсий маслаҳатхонада шифокор-генетик қабулида бўладилар. Агарда шифокор қабулидаги бемор ўзи, касали ҳақидаги белгиларни яширса, муваффақиятли даволашни қийин. Ирсият бўйича мутахассис шифокор ҳузурдаги шахслар эса фақатгина ўзи ҳақидагина эмас, балки авлодаждо, ота-боболари, амма-холалари ва бошқа қариндош-уруғлари ҳақида ҳам маълумот беришлари керак. Бундай ҳолатда аксарият кўпчиликда тушунмовчилик рўй беради. Авлодимда, наслимда бирор ирсий касаллик (айниқса бу руҳий ўзгариш бўлса) бор, деб айтишни уят ҳисоблашади. Уят эмас, балки келажак

авлодим соғлом бўлсин, деган одам албатта бирор бир ирсий касаллик қариндошларида бўлса ирсий маслаҳатхона шифокорига билдириши керак. Замонавий тиббиёт усуллари туғилажак зурриёда касаллик бор ёки йўқлигига қараб, унинг нохуш ҳолатларини олдини олади. Ёшлар туғилажак фарзандининг соғлиғи учун олдиндан қайғурсалар келажакда авлодимиз соғлом бўлади.

Зеро, ҳар нарсдан ҳақиқат устун, “Ойни этак билан ёпиб бўлмайди”, “Касални яширсанг иситмаси ошкор қилади”, деган мақолларни унутмаслигимиз керак.

Ҳар нарсдан севги-муҳаббат устун. Ҳақиқий севган одам “Авлодинда касал бор экан”, деб суюклисидан ажралиб кетмайди.

**О.ЭШОНҚУЛОВ,
профессор**

8 яшар қизчам жуда зийрак. Атрофга қарайди-ю, бу тилсимли дунёни англамоқчи бўлади:

— Адажон нега гуллар гуллайди, олма-узумлар мева беради?
— Қизим, - дейман, - булар ҳаммаси, яъни жонзотлар, ўсимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар ўзидан кейин зурриёд қолдириш учун ҳаракат қилади.
— Одамлар ҳам шундайми?
— Ҳа, - деган жавобимга “Тоғамларнинг Ҳасан-Хусанлари иккита мева эканда”, д е й д и қизим.

ЭГИЗАКЛИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Ирсият тарихидан то шу кунларга қадар ҳақида қатор маълумотлар йиғилган. Эгизаклар сирини илк ўрталарида Френсис Гальтон деган инглиз олими илмий таҳлил қилишга уринган. Хўш, эгизаклар қандай пайдо бўлади? Ҳам-фиши мумкинми?

Ҳасан-Хусан, Фотима-Зухралар, яъни эгизаклар туғилишини халқимиз қувонч билан кутиб олади.

Инсоният тарихидан то шу кунларга қадар ҳақида қатор маълумотлар йиғилган. Эгизаклар сирини илк ўрталарида Френсис Гальтон деган инглиз олими илмий таҳлил қилишга уринган. Хўш, эгизаклар қандай пайдо бўлади? Ҳам-фиши мумкинми?

“Эгизаклар қандай пайдо бўлади?”
Ботир Ҳалилов, Гулистон

Эгизаклар ирсий жижякан. Туғиш ёшида ойда 1 дон тухуми. Жуда кам ҳолатларда-хужайра пайдо бўлиши мумкин. Эгизаклар ирсий жижякан. Туғиш ёшида ойда 1 дон тухуми. Жуда кам ҳолатларда-хужайра пайдо бўлиши мумкин.



Бачадонда ривожланган эгизаклар туғилади. Икки тухум хужайрадан кўпайган эгизаклар ўғил ва қиз бўлиб, улар бир-бирига унча ўхшамайди ҳам. Ўхшаш-ўхшамаслик эса тухум хужайраларининг ривожига боғлиқ.

Бачадонда ривожланган эгизаклар туғилади. Икки тухум хужайрадан кўпайган эгизаклар ўғил ва қиз бўлиб, улар бир-бирига унча ўхшамайди ҳам. Ўхшаш-ўхшамаслик эса тухум хужайраларининг ривожига боғлиқ.

Афсуски, бу каби ҳолатлар жуда кам учрайди.

**Анорбой БОЙМУРОТОВ,
ТошПМИ, тиббий генетика бўлими илмий ходими**



ҚИЗНИ ТУРМУШГА ТАЙЁРЛАШАДИ, ЙИГИТНИ-ЧИ?

Бир пайтлар укам аскарликка жўнаётганида отам билан хайрлашаётиб негадир йиғлаб юборди. Буни кўриб жудаям жаҳлим чиқди. Укам билан хайр-хўш қилмасданок уйга кириб кетдим.

"Йигит киши йиғламаслиги керак!"

Шу фикр ҳали-ҳануз менинг хаёлимда айланиб юради. Назаримда йигитларга кўз ёшидан кўра мағрурлик кўпроқ ярашадигандай. У ҳар қандай ҳолатдаям асло бўшашмаслиги керак, аксинча жиддийроқ бўлгани маъқул. Йигитнинг журъати унинг ювошлигидан кўпроқ қадрланади. Журъат нима, ўзи? Менимча у ҳақ сўзни айтиш, эзгу ишни бошлаш, юракдаги жасоратни юзага чиқариш учун ўзида куч топа олишдир. Йигит киши оиласига ҳам, жамиятга ҳам тоғдай таянч бўла олсин. Акс ҳолда эса... Ҳеч бир нарсага журъат қилолмай, чекка-чекка-

ларда юрадиган ўғлонлар борми бизда? Бор. Айни куч-қувватга тўлган бўлса-да вақтини бесамар ўтказаётган йигитлар ҳам бор. Уларнинг аксарияти оилали, зиммасида рўзгор ташвиши бор. Демак, оилали йигит ишсиз экан, у ҳолда тирикчилик тегиримонини ким юргизади? Бир даврадаги суҳбатда шу ҳақда сўз борди.

— Турмуш ўртоғимнинг иши орқага кетиб, анча вақт бекор юрди, -деди ёшгина келинчак. — Меъна эса идорада озгина маош олардим. Болаларимиз ёш, анча қийналиб қолдик. Шундан сўнг қисқа курсга қатнаб, чеварликни ўрганиб олдим. Кундузи идорада ишлайман, кечалари ўтириб кийим тикаман. Бир ярим йилдан бери аҳвол шу. Кеча бошим қаттиқ оғриб, дўхтирга бордим. Текширишди. Қоним камайиб кетибди.

Даврадаги аёллардан бири унга ачиниб, деди:

— Хафа бўлманг, айб ўзингиз-

да экан. Агар рўзгор учун шунчалик елиб-югурмаганингизда, эрингиз ҳаракатга тушиб, аллақачон иш ахтариб топарди. Мен турмушга чиқаётганимда онам шундай тайинлаган: "Уйингга битта нон ҳам кўтариб кирмагин, қизим. Пул топиб, бозор-ўчар қилиш фақат эркак кишининг иши". Айтганларини қилдим. Мана, ҳозир эрим иккита идорада ишлайди, рўзгор тебратишни буткул ўз зиммасига олган. Кимдир бу аёлнинг, яна кимдир унисининг гапини маъқуллади. Лекин... Ҳамма гап рўзгорни бир амаллаб юритишдами? Йўқ. Иқтисодий қийинчиликни бошдан кечираётган оилада ўзаро меҳр, бир-бирига таскин



бериш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш туйғуси бўлмас экан, бундай оила маънавий инқирозга ҳам учрайди. Турмушнинг машаққатли дамларида эр ва хотиннинг сабрли бўлиши исломий ўғитларда батафсил ўқтирилган. Бордию, шунинг акси бўлса-чи? Эркак қайғуга ботса, аёлнинг нозик кўнгли қаттиқ озор чекади. Зарифа ҳам ўшанда худди шундай аҳволга тушганди.

ЗАРИФАНING МАКТУБИ-ДАН: "... Маҳалла-кўй ўртасида юзим қора бўлди. Ўзгалар назарида хиёнаткор аёлга айландим. Ярим йилдан буён икки гўдагим билан ота уйимда, айбсиз айбдор бўлиб яшайман. Бирор киши мендан "Сен нега бу аҳволга тушиб қолдинг?" деб сўрамайди. Шунинг учун кўнглимни сизларга очаям. Ўтган йили эрим маоши камлигидан нолиб, туппа-тузук ишидан бўшаб олди. Ўзини бозорга урди, бўлмади. Сўнг ҳафсаласи пир бўлиб, иш қидирмасдан бекор юраверди. Мен эса уйда болалар тарбияси билан банд эдим. Эрим мени, болаларимни унутди. Гоҳ ота-онаси, гоҳ ўртоклариникида кунни кеч қиларди. Дастлаб тилла тақинчоқларимни, сўнг келинлик бисотимдаги буюмларимни сотиб тирикчилик қилдим. Барибир жуда қийналиб қолдик. Бир куни кўшни аёл "Истасангиз мен билан бозорга қатнанг", деди. Болаларимни онамга қолдириб, савдо-сотикка ўтдим. Бозорда юриб пул топиш бировлар ўйлаганчалик осон эмаскан. Эрим бўлса инсофга, келай демасди. "Иш топинг" десам, "Ишингни миннат қиляпсанми?" дерди. Ўша кунларда бозорим ҳам юришмаётганди. Кўнглим чўкиб юрган кезларимда бир кишини учратиб қолдим. У савдо-сотигимни тиклашга кўмаклашди, аҳволимни тушуниб тасалли берди. Сами-

мий, дилкаш бўлгани учунми, иноқлашиб кетдик. Кўпинча бирга тушлик қилардик. Савдо расталаримиз ҳам ёнма-ён эди. Қайниопам бизни бир-икки марта бирга кўриб, дарров бошқача хаёлга борибди. Биз ҳақимизда хунук гап тарқатибди. Шу баҳона бўлдию, эрим ҳеч нарсани суруштирмай мени уйдан ҳайдади. Ахир мен нопок йўлга қадам қўймагандимку. Бу хаёлимгаям келмаган. Наҳот беҳудага маломатга қолсам. Шу адолатданми?"

Адолат... Биз теварак-атрофимизга доим адолат нуқтаи-назари билан қараймизми? Юз берган воқеа-ҳодиса илдизига ақлан баҳо бера оламизми? Ёш оилаларда қўйди-чиқди, ажримлар кўпаяётганининг сабаби нимада? Нима учун аёл ҳаётида фожеа рўй беради? Буларнинг ҳаммасига ўз бурчларини яхши англамаётган журъатсиз йигитларимиз айбдор эмасми?

Балоғатга етаётган қизларни турмушга тайёрлашади. Эр, қайнота, қайнонага муносабатни, янги оиладаги бурчларини бирма-бир ўқитишади. Лекин ўғлонларга ҳам шу каби бурчлар нега чуқурроқ ўргатилмайди? Аслида йигит киши ўз оиласига суянч бўлгандагина жамиятда ҳам ишонч қозонади. Эл-юртнинг бахту саодати, эртанги куни шундай йигитлар елкасидадир. Улуғ аллома Абу Райҳон Беруний ёшлар ҳақида сўз юритиб "Мен ёшларнинг қадам ташлашига қараб мамлакатнинг келажагини айтиб бераман!" деган экан. Қадамидан ўт чақнайдиган, кучли, журъатли йигитлар ўз юртининг бошига келган ҳар қандай балони даф этмоққа қодир. Нафақат оиласига, балки элига, Ватанига ҳам садоқатлидир улар.

Шундай ўғлонларга суяниб яшасанг арзийди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Баъзан эрингиз ёки хотинингизнинг кўзига мўлтираб тикилиб, юрагингизни хавотир чўлгаб олади: Севармикан? Куйидаги тест саволларига сидқидилдан "ха" ёки "йўқ" деб жавоб берсангиз бундай шубҳаларга ўрин қолмайди.

КЕЛИНЧАКЛАР УЧУН САВОЛЛАР

1. Баъзан эримга мос келмасам керак, деган фикрдан қийналаман.
2. Эрим хурсанд; у менинг имкониятларим, ақл-фаросатимни қадрлайди.
3. Эрим доим менинг устимдан кулади, эришган ютуқларимни камситади.
4. Эрим кўпроқ ундан бир поғона паст юришимни ёқтиради.
5. Агар озиш учун парҳез тутсам, жисмоний машқ билан шуғуллансам, эрим зимдан бу ҳаракатларимни маъқулламайди.
6. Эримнинг мендан тез-тез жаҳли чиқади.
7. Ўзимни ўзим ҳимоя қила олишим эримга ёқади.
8. Эр-хотинлик муносабатларида фаоллигим унга маъқул келади.
9. Эр-хотинлик муносабатимиздан эрим қониқади.
10. Менинг кўринишим эримга

19. Эрим менинг қизиқишларимни маъқуллайди.
20. Эрим баъзан менга нисбатан қаттиққўл ва хафа қилади.
21. Кўпинча эримнинг тасавуридаги аёл бўлмасам керак, деб шубҳаланаман.
22. Эрим бегоналарга менинг хато ва камчиликларимни гапириб юради.
23. Эрим менга жуда ҳам ишоннади.
24. Эрим баъзан сабабсиз мени рашк қилади.
25. Эрим менинг эркаклардан яқин дўстим (албатта дўстим) борлигидан хавфсирамайди.
26. Назаримда эрим менинг дугоналаримни



СЕВАДИМИ, СЕВМАЙДИМИ...

11. Эрим мени тушунса керак, деб ўйлайман.
12. Эрим дўстлар орттиришимни ишқий саргузаштларга ўчлигимдан, деб билади.
13. Эрим ҳар доим ҳам ўзини ҳақли деб ҳисобламайди.
14. Эрим мени жуда ҳам яхши кўрса керак, деб ўйлайман.
15. Эрим мени ўзига тенг кўради.
16. Эрим қандайлигимни билади, шунинг учун мени шундайлигимча ёқтиради.
17. Эрим мени бошқаларга таърифлашига қараганда, у мени энг яқин дўстидай кўради.
18. Эримнинг назарида мен баъзан ўта ҳис-ҳаяжонга ўчман.

27. Эрим бошқалар билан мулоқотда бўлишим, баъзан сокинликни ва ёлғиз қолишни ёқтиришимни тўғри тушунади.
 28. Эрим ўз фикримга эга бўлишимни маъқуллайди ва шу билан бирга бунинг учун ўзини айбли деб ҳисоблайди.
 29. Эрим, биз бир-биримизга кўп жиҳатдан мос келамиз, деб ўйлайди.
 30. Кийинмасдан эримга кўринишдан уяламан.
- Тестнинг 2, 7, 8, 9, 10, 11, 13, 15, 17, 19, 23, 25, 27, 28, 29, саволларининг ҳар бирига "ха" деб жавоб берган бўлсангиз 1 баллдан белгиланг.**
- 1, 3, 4, 5, 6, 12, 14, 18, 20, 21, 22, 24, 26, 30 саволларининг ҳар бирига берилган "йўқ" жавобига 1 баллдан белгиланг.

НАТИЖАЛАР:

26-30 балл жамғардингиз. Никоҳда бахтлисиз. Эрингиз сизни севиши ва ардоқлашини ҳис этасиз. У сизнинг эркингиз, ўз дунёқарашингиз ва дўстларингиздан ҳам хавотир олмайди. Сиз бутун меҳр-муҳаббатини хотинига бахш эта оладиган йигитни учратгансиз.

21-25 балл. Эрингиз сизни тушунади ва хурмат қилади. Бироқ ҳаётингизда зиддиятли онлар ҳам учраб туради. Буни бартараф этиш учун эрингиз билан очиқ-ойдин гаплашиб олинг. Балки сиз беҳуда хавотирга тушаётгандирсиз. Умуман айтганда эрингиз сизни еру кўкка ишонмайди.

16-20 балл. Эрингиз сизни жуда ҳам севишига шубҳаланишга асосингиз бор. Кўпинча у сизга ишонмаслиги, сизнинг хатти-ҳаракатингизни назорат қилишини сезиб юрасиз. Тез-тез у сизни севмаслигини, тушунмаслигини ўйлаб юрагингиз қон бўлади. Беҳуда ҳадиклар ва шубҳалар барча муаммоларни эрингиз билан бафуржа ўтириб, муҳокама этинг.

15 баллдан кам бўлса. Эрингиз билан орангиздан оламушук ўтиб туради. Бундай оғир шароитда севи яшаб қолиши дарғумон.

Кўбалар ҳақидаги тест билан "Чимилдиқ"нинг кейинги сонида танишасиз.

Қадрли онам РҮЁБ ва онам РОҲИПА!
Сизларни 3 март туғилган кунларингиз билан гил дилдан табриклайман. Сизларга узок умр, сизга-саломатлик тилайман. Оила-ниг бахтига доимо соғ юринлар деб!

ЗИЁДА

Хурматли ҳамкасбимиз ДИПАФРУЗХОН!
Сизни 8 Март таваккуф топган кунингиз ҳамда халқаро хотин-қизлар кунин билан қизингиз ва санингиз муқорабод этамиз. Сизга келгуси ишларингизда омад, фзунгизга солик ва бахту-саодат тилаймигиз.

Хурмат билан Сизни қутлаб Ўзбекистон ёшларининг "Қамолот" жамғармаси Бешарик тумани бўлими

"ЧИМИЛДИҚ" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ДАЙЛО, ЯШНАР, ЗИЁДА,
ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР



ХОНОБОДЛИК КАРАТЭЧИ

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғилик Бурхоновлар оиласининг 10 нафарга яқин вакиллари спорт билан мунтазам шуғулланади. Оила кенжатоилари Саидлазиз ва Саидазизлар спортнинг каратэ турига қизиқади. Уларга каратэ бўйича спорт устаси Хўжамкул Хўжақулов устозлик қилмоқда. Дастлаб кичик мусобақаларда иштирок этиб юрган Саидазиз (суратда)

Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Саидазизнинг укаси Саидлазиз ҳам акаси изидан бормоқда. У кўпгина мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда қатнашди. Яқинда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида совриндор бўлди. Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон кубогига иккинчи ўринни эгаллаб, юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди.

Қосим РИЗО

Бир бор эди, бир йўқ эди, кураклари ерга тегмаган полвонгина йигитча бор эди. Олқишу шуҳрат унинг кетидан қолмас, одамлар алқамасдан тилга олмас, орзулари армон кўрмаган кампагина эди у. Сурхоннинг алпкелбат полвонлари сингари билаклари кучга тўлган, нигоҳларидан ўт-олов қақнаган, томиридаги қони гупуриб турган йигитчани кексалар ҳам ёшлар ҳам ҳурмат

эзилса, кураш майдонидаги орзулари поймол топганидан яна бир карра сикилди. Энди уни тўйлару турли йигитлардаги курашга чақиримасди. Энди унга зимдан қараган қизларнинг нигоҳида ҳайратдан кўра ачиниш, ҳамдардлик кўпроқ эди. Бу қарашларга айниқса чидай олмасди полвон!

Аллоҳ яратган қулига доим сабр берган, қаноат берган. Ўроздавлат курашни

ҲАЁТ ҲАЙРАТЛАРГА СИҒМАЙДИ

билан тилга олганлар. Унинг курашини кўраман дея, узоқ-яқиндан келган қаламқошлар бир-бирининг пана-панасидан даврага қарардилар. Полвоннинг навбатдаги рақибини қулатганини кўриб, қийқириб чапак чалардилар. Одамлар оғзига тушганда ўн тўрт яшар эди, полвон. Тийрак кўзлари аввало рақибининг дилидан ўтаётганини ўқир, сўнг унга ҳамла қиларди. "Номардига учрамай, фирромнинг қадами тескари бўлсин", дея ният этарди.

Лекин фирромларсиз бу дунё — дунё эмас. Ҳаёт ўзининг кутилмаган аччиқ сабоқлари билан бизни яшашга ундар экан. Агар унинг шу сабоқлари, ўрнаклари бўлмаса, яшашни ва яратишни бу қадар севмаган бўлармидик. Ўшал кун Сурхоннинг тонглари йиғлади, тунлари дард қекди. Фирром рақибнинг биргина ҳаракати билан Ўроздавлат бир умрга ногирон бўлиб қолди. Аввали оёқ оғриғим ўтар-кетар, дея хаёл қилди. Икки ой шифтга тикилиб, шифохонада ётди. У бўлди, бу бўлди, аммо соғлиғи бутунлай тикланмади. Тўрт мучаси соғ дунёга келган Ўроздавлат оқсоқланаётган оёғига қараб бир

йўқотган бўлса-да муҳаббатини топди. Мўйлаблари энди сабаза ураётган йигитнинг ошиқлигини биласизми? Кўрганмисиз севгидан адо бўлган қалбни? Бир маъсум чехра ишқиде ошиқу девона, шоир бўлганларни учратганмисиз? Ҳа, бор бўлса — ўша бизнинг полвон эди. Йўқ бўлса, Ўроздавлатнинг ҳолини кўринг эди, ўшанда.

"Севги менинг кечмишимдир, бугинимдир, Оловимдир, қулимдир, ҳам кукунимдир. Бу йўлларда охир бир кун тўкилгумдир, Севги менинг кўнглимдаги тугунимдир".

Шоирнинг юқоридаги сатрларини тез-тез такрорлаб юрди Ўроздавлат. Охириқабат ўзи ҳам армонларини, ҳаяжону ҳижронларини байтига солди. Аммо бировга кўрсатмади. Устимдан куларми, деди, тушунмайди, деди, ўзбекчилик, деди.

У пана-панада ёр ишқиде "тўкилиб" юрганида, суюқлисини бировга бериб юборишди. Йигитнинг ардоғидаги гулни "чирт" этиб узиб, олиб кетишди. Унинг бу ҳолини кўрган онаси-да, отаси-да фарзандига ёрдам беролмади. Боласининг

"ЖАР" ДАГИ МУРОСАСИЗ ЖАНГ

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида 24-27 февраль кунлари "Муайтай" бўйича республика чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз вилоятларининг 80 нафарга яқин спортчилари 14 вазн тоифасида рингга чиқишди.

— Мазкур мусобақа голибларининг кўпчилигини ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчини адо этаётган аскарлар ҳамда ҳарбий билим юртларининг курсантлари ташкил қилди, — дейди федерация бош қотиби Замирбек Қосимбеков "Туркистон-пресс" мухбирига.

— Демак, спортнинг бу тури оммавийлиги тобора ошиб бораётир. Дастлабки кунги баҳсларданок пойтахтлик ва самарқандлик спортчиларнинг устун эканлиги намоён бўлиб, финалдаги қизгин баҳслар ҳам айна булар ўртасида бўлиб ўтди. Беллашувларнинг финал босқичи 45 килограмм вазндаги Ф.Ҳақимов (Тошкент) ва Т.Алимухаммедов (Сурхондарё) ўртасидаги 5 раундлик баҳс билан бошланди. Курашда Т.Алимухаммедовнинг қўли баланд келди. Ундан кейинги икки вазндаги голиблик учун жанг тошкентлик муайтайчилар ўртасида кечди. Ж.Юсупов, М.Ху-

дойбергеновга имкониятни бой берган бўлса, Ш.Шоиноятов Б.Мусурмонқуловдан устун эканлигини намойиш этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Шунингдек, самарқандликлардан З.Каримов, А.Тўхтамишев, Д.Пўлатов, тошкентликлардан Ш.Ниғманов, Х.Улхажаев, Ф.Мусинов кабилар галаба нашидасини сурдилар. Андижонлик Н.Назаров ҳам олтин медаль соҳиби бўлди. А.Умаров ўз рақибини учинчи раундда нокаут ҳолатига тушириб, мусобақанинг энг яхши муайтайчисига бериладиган соврин эгаси бўлди.

Шундай қилиб, чемпионатда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган 28 нафар спортчиларимиз терма жамоа сафидан жой олишди. Улар март ойида Алматыда ўтказиладиган Қозоғистон Президенти соврини учун баҳсларда июнь ойида Самарқанд шаҳрида бўладиган АҚШ ва Ўзбекистон муайтайчиларининг ўртоқлик учрашувида, ҳамда бўлғуси Жаҳон, Европа, Осиё чемпионатлари ва нуфузли халқаро беллашувларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон боксчилари

Фарғонада 1982-83 йилда туғилган ёшлар ўртасидаги бокс бўйича мамлакат биринчилиги баҳслари ниҳоясига етди. Қарийб бир ҳафта давом этган беллашувларда 13 вазн тоифасида мамлакат чемпионлари аниқланди. Беллашувларда Англия бокс мактаби ёшларининг ҳам иштирок этиши мусобақанинг қизиқарли ўтишига ҳисса қўшди.


Қизгин ўтган мусобақаларда самарқандлик М.Садриддинзода, Тошкент вилояти вакиллари Т.Қиличев, И.Мадбоев, фарғоналик Д.Маҳмудов, И.Ортиқов, навоийлик И.Сероғлазов, андижонлик Х.Мадаминов, Н.Умаров, Х.Сатторов, хоразмлик Ш.Рўзиметов ўз вазн тоифаларида чемпионликни қўлга киритди. Ўта оғир вазн тоифасида Қорақалпоғистон Республикаси спортчиси А.Жонашов голиблик шохсупасига кўтарилди.

Жамоалар ўртасидаги баҳсда Фарғона вилояти боксчилари биринчи, Тошкент ва Андижон вилоятлари иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгалладилар.

Р.Камолов, ЎЗА мухбири

заъфарон юзига боқиб улар ҳам жим қолдилар. Бировга турмушга чиққан севгилисининг "ёр-ёр"ини тинглашдан ортиқ азоб бўлмаса керак. "Энди бу гал ўнганмайман", дея хаёл қилди йигит.

Ўроздавлат яна ўзида куч топди. "Пешонамга битилгани бошқа экан. Ҳозир эса мени тушунмаган қишлоқни, дилимни вайрон қилган қизни тарк этиб, Тош-



кентга кетаман" деди ва Сурхондарёнинг Қизириқ туманилик Ўроздавлат Дўстиқулов пойтахти азимни забт этгани келди. Елкасидан тутиб турадиган бирор яқини йўқ бўлса-да, бегона шаҳарда ўзини тутиб олди. Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли республика хунар-техника билим-юртининг бухгалтерлик курсига ўқишга кирди. Жисмоний тарбия дарсларида собиқ полвоннинг ҳаракатлари домлаларнинг эътиборини тортиди. Уз дардини енгган Ўроздавлат яна курашга тушди. Хуқуқшунослик ўқув юрти талабалари билан куч синишиб, фахрли ўринни эгаллади. Худди ўтиб кетган ўша кунлардаги қизлар пана-панадан унга ҳавас билан қарашди. Йигитлар полвон дўстлари борлигидан фахрланишди. Ўроздавлат эса ўша-ўша камгап, камсукум. Худди узоқ яшаб қўйган кекса кишидай шошилмай гапирди. Мақтанмай гапирди. "Қишлоқда хуши қолган, аламлари, туши қолган" Ўроздавлатнинг тенгдошларига биргина сўзи бор экан: — Ошналар, дўстлар. Ҳар нима бўлганда ҳам, соғлигингиз ёки муҳаббатингиз

панд берганда ҳам ўзингизда яшаш ва галаба қилиш учун куч топинг. Орқага йўл бўлиши мумкин эмас." Унинг фикрини мен давом эттирсам: Дўстларим, сиз учун очиладиган кўриқлар хали олдинда. Бир қоқилсангиз, икки карра кучлироқ бўлиб уйғонинг, иккинчи бор йиқилсангиз, юз карра иродали бўлиб туринг. Хали ҳаммаси олдинда. Фақат машиналарнинггина овози келадиган шаҳарни ҳам забт этарсиз. Ўшанда мовий кенгликлар остидаги ям-яшил диёрингиз ва унинг соддадил, аммо сизлар каби иродали фарзанд туккан қишлоғингиз ҳаққига ҳам дуо қилишни унутманг.

Яшнар МҰМИНОВА

Патентнинг "нарх"и

Солиқ хизмати назоратчилари хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилардан энг аввало патентлари бор-йўқлигини суриштиради. Патент хусусий савдо қилишга рухсат берувчи асосий ҳужжатдир. Қонунга итоат этишни бурч деб билган Наманган шаҳри фуқароси Муҳаммадхон Болтабоев шаҳар солиқ инспекциясига мурожаат қилди.

Бундай идорада тадбиркорга ҳар жиҳатдан ёрдам берилиши керак. Чунки, хусусий меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсат этувчи патент сони қанчалик кўп бўлса, солиқ хизмати фаолиятининг самардорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ, амалда бунинг акси бўлиб чиқди. М.Болтабоевга назоратчи Мусахон Қосимов патент олишнинг қийинлигини тушунтирди. Яъни, патент олиш истагида бўлганлар сони кўп, унинг навбати фақат бир ойдан сўнг этиб келаркан. Навбатдаги мол келишини кутаётган М.Болтабоевга бундай муддат маъқул келмади. М.Қосимов эса, патентнинг қиймати 12625 сўмга тенглиги, сова эвазига расмийлаштиришни тезлаштиришда ёрдам беришини айтди. Улар патент учун бир қиймлик қимматбахо мато берилиши хусусида келишиб олишди.

Бироқ, М.Болтабоевга патентнинг икки барабар қиймати унчалик ёқмади. Шунда у тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилди. Орадан бир неча кун ўтгач, Наманган шаҳар давлат солиқ инспекцияси назоратчиси М.Қосимов ўз миқдоридан пора олаётган пайтда қўлга тушди. Кейинчалик тергов жараёнида М.Қосимов М.Болтабоевга берилган патент қийматидан ҳам уриб қолганлиги маълум бўлди. У ортқича 2125 сўмни ўзлаштириб олган экан. Бироқ, бу ҳам унга камлик қилиб, патентни расмийлаштиришда миқдори учун керакли бўлган маълумотномани сохталаштирган.

Шу кунларда Наманган вилояти судида Доно Раҳимбоев раислигида бу иш қўриб чиқилди. Эндигина 26 га қирган ёш йигит жиноятчилар курсисига ўтирди. Узини нечоғлик оқлашга уринмасин, унинг айби тўлиқ исботланди. Қилган жиноятига яраша жазо тайинланди. М.Қосимов 5 йил озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинди. Нихоятда ачинарли, бироқ адолатли яқун. Ўз хизмат мавқеидан таъмағирлик, юлғичлик мақсадларида фойдаланиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган.

Шу муносабат билан яна бир мулоҳазани баён этмоқчиман. Бундай вазиятларда одатда тадбиркорлар жабр кўради. Жамоатчиликнинг фикрича, бундай одамларда пул кўп бўлади. Бунинг устига, гуёки ана шу пуллар осонлик билан топилаётгандек туюлади. Ваҳоланки, бу оғир ва машаққатли меҳнат. Бунинг устига, таваккалчилик билан боғлиқ. Шу тўғрисида, тадбиркорлар ишлаб топаётган пул дахлсиздир. Ҳеч ким бировнинг молига қўз олайтирмаслиги керак.

Назира ХҲЖАЕВА

Ғиштфурӯшнинг ёғи

Бешариқ тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланган яширин цех фаолиятини фож этди.

Туман ширкатлар уюшмасига қарашли 2-ғишт ишлаб чиқариш цехида текшириш ўтказилганида, корхонада ғишт ўрнига ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилаётганлиги маълум бўлди. Цехдан кўп қувватли махсус двигател, ўсимлик ёғи сузиладиган филтр, кунжара ва бошқа асбоб-ускуналар ҳамда хом ашёлар мусодара қилинди.

Корхонага раҳбарлик қилиб келган "тадбиркор"нинг қилмишини орган ходимлари текширмоқда.

(ЎЗА)

ЎЗА

ВАШИНГТОН. АҚШ ҳукумати "Нефт эвазига озиқ-овқат" дастури доирасида Ироққа киритилаётган маҳсулотлар ва саноат жиҳозлари турини янада кўпайтириш масаласини кўриб чиқишга тайёр. Оқ уй матбуот хизмати бошлиғи Жозеф Лоқхарт журналистларга бу ҳақда маълум қилди. Шунингдек, у мамлакат ҳукумати АҚШ ҳозирча расмий Бағдогда нисбатан қўлланиб келинаётган халқаро иқтисодий жазо чоралари кучда қолиши лозим, деган фикрда.

ВАРШАВА. Полшага ташриф буюрган Европа Иттифоқи комиссари Гюнтер Ферхойген мазкур мамлакатда ўтказилаётган ислохотларни юқори баҳолаб, расмий Варшава даъвогарлар орасида биринчилардан ЕИга қабул қилиниши мумкинлигини маълум қилди. Шунингдек, у мамлакат ҳукуматини ЕИ талабларига яқинлашиш борасидаги тадбирларни янада фаоллаштиришга чақирди. У Полшага

мев



кур тузилмага аъзо бўлиш борасида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида келган эди.

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати НАТОнинг Европадаги қуролли кучлари раҳбари Уэсли Кларкнинг Косовога кўшимча ҳарбий куч сафарбар қилиш ҳақидаги илтимосини рад этди. Мамлакат Бош вазири Тони Блэр ўз раддиясини изоҳлар экан, ҳозир ушбу ўлкадаги халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида британиялик ҳарбийлар етарли миқдорда эканини айтди.

НЬУ-ЙОРК. АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сўнги вақтларда сунъий йўл билан тайёрланган "экстази" гиёҳванд моддасини ишлаб чиқариш тобора кўпайиб бораётганидан ташвиш билдирди. Мамлакат божхона хизмати маълумотига қараганда, ўтган йил давомида 3,5 миллион донга "экстази" ҳаби тутиб қолинган бўлса, жорий йилнинг икки ойидаёқ бу кўрсаткич 2,9 миллионга етган.

МОГАДИШО. Сомалида вабо борган сари кўп одамни ўз домига тартаёттир. Сўнги кунларда ушбу касалликдан 34 киши нобуд бўлди. Айниқса, вабо мамлакатнинг жанубий ҳудудларида кенг тарқалган. Мамлакатда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш яхши йўлга қўйилмагани ҳамда тиббий хизматнинг такомиллашмагани ушбу хасталикнинг тобора хуруж олишига сабаб бўлмоқда.

МОЗДОК. Россия ҳарбийлари Чеченистон жангарилари қўлида гаровда сақланаётганларни озод қилиш борасида кенг кўламли тадбирлар ўтказмоқда. Шундай тадбирлардан бирининг натижасида ўтган кунни доғистонлик Арсен Шалханов ва хабаровский Ефим Казарев тутқундан озод қилинди. Улар ўтган йили гаровга олинган эди.

ЛОНДОН. Буюк Британия ҳукумати Афғонистоннинг "Ариана" авиакомпаниясига қарашли "Боинг-727" самолётининг 79 нафар йўловчисига бошпана бермади. Мамлакат ички ишлар вазирлигининг бу ҳақдаги хабарида таъкидланишича, уларга бошпана берилиши ҳаво транспортини қароқчилигини рағбатлантиришдек қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, раддияга бошпана сўраганларнинг айримлари бевосита самолётни олиб қочишда иштирок этгани ҳам сабаб бўлган.

ПРЕТОРИЯ. Африка давлатларида юз берган сув тошқинлари 150 кишининг ҳаётдан бевақт қўз юмишига сабаб бўлди. Табиий офат Жанубий Африка Республикаси, Мозамбик, Зимбабве ҳамда Ботсванада юз мингдан ортқ кишини бошпанасиз қолдирди. Сув тошқинидан, айниқса, Мозамбик аҳолиси жиддий талафот кўрди.

НЬУ-ЙОРК. Дунёни ҳаво шарида айланиб чиқишга бел болаган америкалик Кевин Улиасси 6,400 километр йўл босиб, ўтган кунни Африка қир-

воқларига етиб келди. Маълумотларга қараганда, унинг шарни ҳозир соатига 64 километр тезлик билан ҳаракат қилмоқда. К.Улиасси ўз сафарини ўтган ҳафта бошида АҚШнинг Рокфорд шаҳрида бошлаган эди.

ПЕКИН. Япония ва Корея Республикаси Хитойга унинг шимоли-ғарбидаги қоқоқ туманларни ривожлантиришда кўмак бериш ниятида. Ушбу уч давлат экологик ташкилотлари раҳбарларининг Пекинда ўтказилган учрашувида шу ҳақда маълум қилинди. Учрашув якунида эълон қилинган қўшма баёнотда Япония, Корея Республикаси ва Хитойнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

ГАВАНА. Куба ҳукумати кубалик дипломат Хосе Императорини айғоқчиликда айблаб, мамлакатдан бадарға қилгани ва

бу ишга Канадани ҳам жалб қилгани учун АҚШ маъмуриятини қаттиқ қоралади. Шу муносабат билан тарқатилган расмий баёнотда айтилишича, АҚШ ўз айбдорлигини рад этиб, очлик эълон қилган дипломатни Канадага чиқариб юбориб хатога йўл қўйган.

Куба ҳукумати Х.Императорини АҚШдан чақириб олмаслигини маълум қилди.

ЛОНДОН. Англия автосаноатининг рамзи бўлган "Роллс-Ройс" автомобилнинг янги модели БМВ концернининг Германиядаги заводида йиғилади. Хабарларга қараганда, бундан икки йил аввал "Роллс-Ройс" савдо марказини сотиб олган БМВ мазкур машҳур автомобилни Мюнхен яқинида шу мақсадда махсус қурилган заводда йиғишни мўлжалламоқда. Германияда йиғиладиган ушбу машиналарда, Англиядагидан фарқли ўларок, алюминий ишлатилади. Бу эса автомобил вазнининг енгиллашишини таъминлайди.

СИДНЕЙ. Ўтган шанба кунни Австралиянинг Кэрнс шаҳрига (Квинсленд штати) ёпирилган "Стив" довули Карпентария қўлтиги томон ҳаракатланмоқда. Мутахассислар унинг кучи тобора ошиб боришини тахмин қиляпти.

Соатига 170 километр тезлик билан ҳаракатланаётган довул ўтган кунлар давомида ўз йўлида учраган минглаб биноларга шикаст етказди, электр тармоқларини ишдан чиқарди. Айни пайтда Квинсленд штатининг учдан икки қисми довул олиб келган кучли жала оқибатида пайдо бўлган тошқин исканжасида қолган. Тошқин аста-секин қўшни Янги Жанубий Уэлс ва Шимолий ҳудуд штатларини ҳам қамраб олмоқда.

ПЕКИН. 1999 йилда Хитойда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,1 фоиз ўсган ва 82054 триллион юанга (988,6 миллиард АҚШ доллари) етган. ХХР давлат статистика бошқармаси раҳбари Лю Хун шуни маълум қилди. Ўтган йили Хитой ҳукумати ислохотларни рағбатлантириш, ички талабни кенгайтириш, иқтисодиёт тузилмаларини яхшилаш борасида қатор муҳим қарорлар қабул қилди ва бу ўз натижасини берди, деди у. Лю Хуннинг айтишича, Хитой ташқи савдосининг ҳажми ўтган йили 1998 йилга нисбатан 11,3 фоиз ўсган ва 360,7 миллиард долларни ташкил этган.

ЖАКАРТА. Индонезия армияси раҳбарияти мамлакат парламентида ҳарбий депутатларнинг иштирокига чек қўйишга тайёрлиги, бироқ сиёсатга аралашадиган воз кечмаслигини айтмоқда. Индонезия қуролли кучлари Бош қўмондонни генерал Видодонинг айтишича, 2004 йилги парламент сайлоvidан сўнг армия ўз депутатларининг халқ вакиллари кенгашидаги (парламент) иштирокини тўхташи мумкин. Бироқ Халқ маслаҳат конгрессида қуролли кучларнинг ўз вакили бўлиши керак, деди у. Бу орган президент ва унинг ўринбосарини сайлаш, мамлакатнинг ривожланиш йўлини тасдиқлаш ваколатига эга.

УЙҚУСИЗ ЯШАБ КЎРИНГ...

Ҳар етти нафар немиснинг бири уйқусизликдан азоб чекаган экан.

— Уйқусизлик миллий хасталикка айланмоқда, — дейди Регенсбург университети эксперти Юрген Цили. — Чунки ундан давлат жуда катта зарар кўрмоқда. Транспорт ҳаракати ва ишлаб чиқаришдаги ҳалокатларнинг тенг ярми уйқусизлик оқибатида пайдо бўлган чарчаш туфайли содир этилмоқда. Бедорликдан Германия ҳукумати йилига 20 миллиард марка зиён етмоқда. Энг ёмони шундаки, уйқусизларнинг учдан икки қисми бу хасталикка чалингани ҳақида шифокорларга мурожаат этмайди.

САККИЗ КЎКРАКЛИ АЁЛ

1875 йилда Германиянинг Аугсбург шаҳрида яшайдиган Питер Спаннер ташқи кўриниши жиҳатдан бошқалардан фарқли эмас эди. Лекин унинг териси худди резинкадай чўзилиш хусусиятга эга эди. Йигирманчи аср бошида яшаган Том Моррис, Этта Лейк ва Харри Хаа агар буйин терисини чўзгудек бўлса, юзини тўсарди.

1910 йилда У.Слоун исмли саёҳатчи Янги Гвинея саҳросида яшовчи қабилада бўлганда ҳар бир кишининг худди итники каби узун думи борлигини кўрган. Кимнинг думи узун бўлса, у қабилада шумунча катта мартабага эга бўлган.

Рим императори Карақоланинг онаси Юлия Мамаенинг кўкраги... учта бўлган. Англия қироли Генрих VIIIнинг иккинчи рафиқаси Анна Балеининг ҳар бир оёғида кўшимча бармоқлардан ташқари учтадан кўкраги унга кўрк бағишлаган.

Хитойда қадимдан жажжи оёқчалар мақталган. Эрамиздан аввалги II асрда император Чоу рафиқасининг митти оёқчаларига ҳаммининг ҳаваси келган. Камолот ёшидаги аёлларнинг оёғи 7-9 см бўлса, у жуда гўзал ҳисобланган.

1886 йилда профессор Нойгенбауэр француз медицина академияси аъзоларига ўнча сут безига эга бўлган аёлни намойиш этган. Орадан уч ой ўтиб, доктор П.Стоянов уларга йигирма уч ёшли саккизта сут бези бўлиб, ҳаммаси билан ҳам бола эмизиш қобилиятга эга аёлни кўрсатган.

Медицина фанида соқолли қизлар, иккитадан жинсий аъзоси бўлган аёллар ва эркаклар ҳақида маълумотлар мавжуд. Тарихнинг шохидлик беришича, улар узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечиришган.

Россия ҳукмдори Пётр Биринчи басавлат инсон бўлиб, буйи 2 метрга етган. Шунга қарамай у 38 ўлчамдаги пойафзал кийган.

Муассис:


ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир
Зиёда АШУРОВА



Тахририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.